

“МАН ТАШАББАҲА БИ-ҚАВМИН, ФА-ҲУВА МИНҲУМ”

05:00 / 14.03.2017 5706

Ушбу: **مَنْ مَنَّ وَوَفَّيَ مَوْقِبَ بَشْتِ نَم** – "Ман ташаббаҳа би-қавмин, фа-ҳува минҳум" ("Кимки ўзини бирор қавмга ўхшатса, бас, у ўша қавмдандир") маъносидаги арабча жумлаларни кўпчилик уламо ва илмдонларимиз аксар ерларда ҳадис деб, кўп нарсаларни манъ қилиб, кўп ишларда қурол қилишлари бор гап. Ушбу ҳадиси шариф саҳиҳми? Ёки тўқима ҳадислар жумласиданми? Агар саҳиҳ ҳадиси шариф бўлса, унинг асл маъноси нима?

Бу ҳадиси шариф ҳақиқатан ҳам Шориъ алайҳиссалом, Ҳабиби муҳтарам, Расули ақрам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан айтилгандир. Ҳадисни Имом Аҳмад (р.ҳ.), Имом Абу Довуд (р.ҳ.) ва Имом Табароний (р.ҳ.) Ибн Умар разийаллоҳу анҳудан ривоят этмишлар. Ибн Ҳиббон (р.ҳ.) ва ал-Ироқий (р.ҳ.) ҳадисни саҳиҳ деганлар.

Аммо, бу ҳадиси шарифнинг, ана шу ташаббуҳ (ўзини ўхшатиш) ҳадисининг фақатгина зоҳир маъноси олинса, биз юзлаб, минглаб, балки, миллёнлаб ватандошларимиз, диний биродарларимиздан айрилиб қоламиз. Жузъий ташаббуҳнинг – бир нави ўхшашнинг, ўхшатишнинг эса “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммаду-р-расулуллоҳ” калимасига ғолиб келиши унчалик тўғри келмаса керак. Юз йиллик куфр ва ширкни бир каррада маҳв ва йўқ қилишга қуввати етадиган бу илоҳий калиманинг биргина жузъий ташаббуҳдан отиладиган куфр ўқларига эмас, балки, бундан-да зиёдароқ бало-у офатларга қалқон бўлажигига калимагўйларнинг иймонлари комил ва ишончлари мустаҳкамдир.

“Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммаду-р-расулуллоҳ” калимасини айтмоқни, қиблага қараб намоз ўқимоқни, Рамазон ойи келса, ҳамма билан қўшилиб рўза тутмоқни эътиборга олмасдан, бир неча оқибати номаълум кишиларнинг маънолари ва муродлари билан фалончи ташаббуҳ (ўзини ўхшатиш) этди, у этди, бу этди, кофир бўлди, диндан айрилди, дейиш билан миллёнларча чин иймонли миллатдошларимизни маъюс қилмоқ Аллоҳ таоло наздида ҳам, Расул алайҳиссалом олдида ҳам қабул қилинмаса керак.

Энди, ана шу ҳадиси шариф – “Ман ташаббаҳа би-қавмин фа-ҳува минҳум”нинг лафзларига эътибор берайлик, фикр қилайликки, бу ердаги қавмдан мурод ким, ташаббуҳ (ўзини ўхшатиш)дан мурод қайси, “минҳум” (“улардан”)нинг бу ердаги маъноси нима?!

Ташаббуҳ (ўзини ўхшатиш) бирор қавм билан шу ҳолда бўладики, “ма биҳит-т-ташаббуҳу” (مَبْشَتَلْا هَبْ اَم), яъни, қайси нарсдаки ташаббуҳ (ўзини ўхшатиш) бор, ўша қавмга хос бўлсин, бошқа қавмда топилмасин.

Энди, бу ердаги ташаббуҳ (ўзини ўхшатиш)дан мурод ташаббуҳи томм, яъни тўла ташаббуҳми ёки жузъий ташаббуҳми?! Яъни, бутун ташқи кўриниши, ички сийрати, гап-сўзи, қилиқлари-ю қилмишлари, кийинишлари-ю, юриш-туришлари, хуллас, бутун борлиғи билан ўхшашми, ўхшатишми ёки фақат бир томондан, бир жиҳатидан ўхшашми?!

Ғайри томм ташаббуҳда, яъни, тўла ўхшатиш бўлмаган жиҳатларда – жузъий ўхшатишларда Расули акрам соллаллоҳу алаҳи васаллам ҳам ўзларини аҳли китобларга ўхшатишни мақбул санар эдилар. Чунончи, Имом Термизий (р.ҳ.) ўзларининг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари, сурат ва сийратларига бағишланган асарлари – “Шамойили Муҳаммадийа”да Ибн Аббос разийаллоҳу анҳудан ривоят этганлар. Буни Имом Бухорий (р.ҳ.) ва Имом Муслим (р.ҳ.) ҳам ривоят қилган:

بَات كَلِّا لَهْ اَقْفَاوْم بَحِي مَلَسُو هِي لَع لَلِا ي لَص ي ب ن ل ل ا ن ا ك ل ا ق س ا ب ع ن ب ا ن ع و
ن و ق ر ف ي ن و ك ر ش م ل ل ا ن ا ك و م ه ر ا ع ش ا ن و ل د س ي ب ا ت ك ل ل ا ل ه ا ن ا ك و ه ي ف ر م و ي م ل ا م ي ف
ق ف ت م) . د ع ب ق ر ف م ث ه ت ي ص ا ن م ل س و ه ي ل ع ل ل ل ا ي ل ص ي ب ن ل ل ا ل د س ف م ه س و و ر
(ه ي ل ع)

“Пайғамбари Худо соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарса буюрилмаган (қайтарилмаган) вақтда аҳли китобга мувофақатни ёқтирар эдилар. Аҳли китоблар сочларини осилтириб, ёйиб юрар эдилар. Мушриклар эса сочларини фарқ (олдидан тўғри очиш) қилиб қўяр эдилар. Бас, Пайғамбар алайҳиссалом бошларининг олд қисмларини осилтириб қўйдилар, кейинчалик фарқ қилиб соч қўя бошладилар”.

Агар ҳадис лафзидаги ташаббуҳ (ўзини ўхшатиш)дан мурод тўла ташаббуҳ бўлса, унда маъноси шундай бўладики, “Би-анна ла йуърафу ам ҳува мин ан-насоро, ам ҳува мин ал-атроқ?” (ن م وه وا ي ر اص ن ل ل ا ن م وه م ا ف ر ع ي ال ن ا ب) (ك ا ر ت ا ل ا ل), яъни, уни ўзини ўхшатганлигидан насоролигини ёки турклигини

ажратиб бўлмаса, деганидир.

Бас, шундай бўладиган бўлса, жузъий ўхшашлик билан, фақат бирор жиҳатини, масалан, кийим-кечагини ёки оддий одатини ўхшатиш билан уни ўша қавмдандир, деб ҳукм чиқариб бўлмайди. Зеро, ҳар қандай инсон озгина андиша билан ҳам ўз диндошини таниб олмоғи мумкин.

Гарчи, Шоҳ Абдулазиз Деҳлавий (р.х.) ўзининг 1237-ҳижрий йилда ёзган фатовосида ташаббуҳга жуда кўп қайдлар келтирган бўлса-да, ана шу ташаббуҳ билан ўша қавмнинг жумласидан бўлиб қолади, деб ёзган бўлса-да, аммо, бизнингча, бу ҳадиснинг бу турли ўхшатишларга алоқаси йўқдир.

Энди, “минҳум” (“улардан”)нинг маъносига келайлик. Маъноси шуки, кимки насоро билан мушобаҳати томм, яъни, зоҳирда-ю ботинда тўла ўхшаш бўлса, у киши насоро бўлди.

Агар у “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммаду-р-расулуллоҳ” деса, қибламизга қараб намоз ўқиб юрган бўлса, ҳалол сўйган жонлиқларимизнинг гўштидан еса, намоз ўқиса, рўза тутса ҳамми? Йўқ, албатта! Бундан мутаассибларнинг энг мутаассиби ҳам, ҳатто насронийлар ҳам “минҳум”дан шундай маънони чиқармаса керак.

Бу ҳадиснинг бир ҳукмдан бошқасига умуман алоқаси йўқ, десак муболаға бўлмас. У ҳам бўлса, охир умрдаги шаръий ҳукмдир. Яъни, бирор жангда, кофиру мушриклар билан бўлган жидолу қитолда ўлдирилганларнинг, ўлганларнинг ҳар қайсисини ўз миллати ва динига кўра ажратиб олиш ва шу орқали тажҳиз, такфину тадфин (ювиб кўмиш) ва жаноза ўқиш ишларида ажратиб олмоқ, фарқламоқ учун айтилган бўлса, ажаб эмас. Шунинг учун, “Кимки ўзини бирор қавмга ўхшатса, бас, у ўша қавмдандир” ҳадисининг зоҳирий маъносига қараб, қайси ўликнинг зоҳири қайси миллатга, қавмга ўхшаса, ўша қавм ҳукмида тажҳиз ва тадфин (дафнга тайёрлаш ва дафн қилиш) қилинсин, деганидир. Фикҳ китобларида келганидек, муқотала майдонидаги ўликлар хусусида, яъни, улар қайси қавмга ўхшаса, ўша қавмдан ҳисоб қилинсин, деганидир. Ҳадиси шарифнинг маъноси шунга далолат қилади.

Чунки, бундай ҳолатда асл кўринишни, асосан, кийим ва қиёфага қараб билинади. Шунинг учун ҳам муҳаддислар бу ҳадиси шарифни “Китоб ал-либос”да келтирганлар.

Шу каби, шунинг тасдиғи сифатида бошқа бир ҳадисни ҳам келтириш мумкин. Уни Имом Абу Довуд (р.х.) “Китоб ал-жиход”нинг охирида Самура

